O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ANDIJON VILOYATI BALIQCHI TUMANI HOKIMINING QARORI

2021 - yil 30 - iyul 14-1-18-Q/21 Baliqchi tuman hokimligi

Балиқчи туманидаги давлат ахамиятидаги автомобиль йўлларига йўл белгилари ўрнатилишига рухсат бериш тўғрисида

Балиқчи туман маркази ҳамда Чинобод марказини кесиб ўтувчи автомобиль йўлларида транспорт воситаларининг ҳаракатланишида тирбандликлар юзага келишининг олдини олиш, пиёдалар ва транспорт воситалари ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан, Балиқчи туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг 2020 йил 4 сентябрь кунги 01/146 сонли хати ҳамда туман Ички ишлар бўлимининг 2020 йил 30 июль кунги 35/1-сонли хатларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддалари, “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги қонуннинг 7 ва 20-моддалари, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 348-сонли қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 70-сонли қарорига асосан;

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Балиқчи туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг 2020 йил 4 сентябрдаги 01/146-сонли мурожаати ҳамда туман Ички ишлар бўлимининг 2020 йил 30 июль кунги 35/1-сонли ёзма кўрсатмалари инобатга олинсин.

2. Балиқчи туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасинг 2020 йил 4 сентябрь кунги 01/146-сонли хатига асосан автомобиль йўлларига йўл белгилари ўрнатишга рухсат берилсин.

3. Балиқчи туман Ички ишлар бўлими (Н.Билолохунов)га ушбу ҳудудда

ҳаракатланувчи транспорт воситаларининг мазкур йўл белгиларига қатъий риоя қилишини ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

4. Мазкур қарор расмий матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

5. Балиқчи туман ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари (М.Каримов)га ушбу қарорни “Ғалаба” рўзномасига нашр этилишини, туман ҳокимлигининг веб сайтига жойлаштирилишини ҳамда қоғоз ва электрон шаклда бир кунлик муддатда давлат ҳисобига олиш мақсадида туман адлия бўлимига ва тегишли ташкилот раҳбарларига етказиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари С.Митиллаев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **J.Abdurayimov**

Балиқчи туман ҳокимининг
2021 йил 30 июлдаги
14-1-18-Q/21-сон қарорига
1-илова

Балиқчи тумани ҳокимининг
2021 йил "____" _____кунги
_____ сонли қарорига илова

№	Автомобил йўлининг рақами ва номи	Йўл қисми км	Белги рақами	Белги номи
1	4Р-112 "Фарғона ҳалқа йўли" давлат аҳамиятидаги а/й йўли	15-16	3,27	Тўхташ тақиқланган
2	4Р-112 "Фарғона ҳалқа йўли" давлат аҳамиятидаги а/й йўли	15-16	7,2,1	Таъсир оралиғи
3	4Р-112 "Фарғона ҳалқа йўли" давлат аҳамиятидаги а/й йўли	15-16	5,15	Тўхтаб туриш жойи
4	4Р-129 “Чинобод-Ўрмонбек-Сариқсув”	0+500	3,27	Тўхташ тақиқланган
5	4К-112 “Мирзабошчек-Балиқчи-Гўровон-Қўрғонча” автомобиль йўлининг (4К-112д Туман маркази йўли)	5-6	3,27	Тўхташ тақиқланган
6	4К-112 “Мирзабошчек-Балиқчи-Гўровон-Қўрғонча” автомобиль йўлининг (4К-112д Туман маркази йўли)	5-6	3,28	Тўхтаб туриш тақиқланади
7	4К-112 “Мирзабошчек-Балиқчи-Гўровон-Қўрғонча ”автомобиль йўлининг (4К-112д Туман маркази йўли)	5-7	5,15	Тўхтаб туриш жойи
8	4К-112 “Мирзабошчек-Балиқчи-Гўровон-Қўрғонча” автомобиль йўлининг (4К-112д Туман маркази йўли)	5-7	7,2,1	Таъсир оралиғи
9	4К-112 “Мирзабошчек-Балиқчи-Гўровон-Қўрғонча” автомобиль йўлининг (4К-112д Туман маркази йўли)	5-7	7,3,1	Таъсир йўналишлари
10	4К-112“Мирзабошчек-Балиқчи-Гўровон-Қўрғонча” автомобильнинг (4К-112в Сутчилик фабрикасига) кириш йўлига	0-0,2	5,15 3.27	Тўхтаб туриш жойи Тўхтаб туриш тақиқланади
11	4К-112“Мирзабошчек-Балиқчи-Гўровон-Қўрғонча” автомобильнинг (4К-112в Сутчилик фабрикасига) кириш йўлига	0-0,2	7,3,1 3.27	Таъсир йўналишлари Тўхтаб туриш тақиқланади
12	4К-112 “Мирзабошчек-Балиқчи-Гўровон-Қўрғонча” автомобиль йўлининг (4К-112д Туман маркази йўли)	0.4-0,6	7,3,1 3.28	Таъсир йўналишлари Тўхтаб туриш тақиқланади